
“СОЛИҚЧИ – ТАДБИРКОРГА КЎМАКЧИ”



Данғара туман Давлат солиқ инспекциясида “**Солиқчи – тадбиркорга кўмакчи**” тамойили остида тадбиркорлик субъектларига кенг кўламли амалий ёрдамлар бериб келинмоқда.

Жумладан, Давлат солиқ қўмитасининг 2021 йил 7 январдаги 10-сонли буйруғига асосан тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасида шўъба ходимлари томонидан 342 нафар янги иш бошлаган тадбиркорлик субъектларига дастлабки бухгалтерия ҳисобини юритишда, 235 нафарига ойлик, чораклик ҳисоботларни электрон тарзда юборишда, 104 нафарига солиқ режимини танлашда, 37 нафарига солиқ имтиёзлари ва уларни қўллаш тартибини тушунтиришда, 11 нафарини бошқа идора ва ташкилотларга алоқадор мауммоларини ижобий ҳал қилишда амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Бундан ташқари, 10 та корхона 3,5 млрд.сўмлик қўшилган қиймат солиғидан бўлган ортиқча тўлов суммасини, 61 та корхона 197,2 млн.сўмлик бошқа солиқ турларидан ортиқча тўлов суммаларини корхона ихтиёрига қайтариб беришда ва 10 та корхона 20,5 млн.сўмлик дебитор қарздорликларини ундиришда амалий ёрдамлар кўрсатилди. Корхона ихтиёрида қолган маблағлар корхона фаолиятни кенгайтириш ва янги иш ўринлари ташкил этишга замин яратади.

Хурматли тадбиркорлар !

Тадбиркорлик фаолиятингизни юритишда қийинчиликларга дуч келмоқдамисиз, Марҳамат !

Данғара туман Давлат солиқ инспекциясининг

“Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш” шўъбасига мурожат қилинг.

Шўъба бошлиғи Хўжамбердиев Абдурашид Абдумаликович

Мулоқот учун тел: 97-555-76-04

Солиқ хизмати-инсофли солиқ тўловчининг ишончли ҳамкори !

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг](#)

[Facebook](#),

2021-08-20 08:18:42